

КЎРИК ҒОЛИБИ

Тўрақўргон туманидаги нефт маҳсулотлари корхонаси Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бўлими томонидан ташкил этилган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаб, қимматбахо мукофот билан тақдирланди.

Дарвозасидан кирганингизда ишлаб чиқариш тармоғига эмас, қандайдир оромгоҳга келиб қолдим деган ҳаёлга борасиз, Сабаби шундаки, корхона ҳудудининг ярмидан кўпини манзарали ва мевали дарахтлар эгаллаган. Майдоннинг уч-тўрт жойида энгил эсаётган шабадада атласдек жимирлаб турган ҳовузлар, бири иккинчисини кесиб ўтган йўлқалар, ҳар бир ҳовуз атрофида қизил рангга бўяб қўйилган ёнғинга қарши кураш воситалари. Бу ерда «ўт балосидан сақла, сув балосидан сақла», дейилган донолар ўғитига сўзда эмас, балки амалда риоя этилаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Буларгина эмас, корхона ҳудудининг ўрн қанотида жойлашган ёнғин хавфига қарши кураш шахобчаси майдончасида кеча-кундуз навбатда турган ўт ўчириш автотомобили ва унинг атрофида ҳар қандай фавқулодда ҳолатга шай махсус кийим-бошдаги навбатчи йигитлар.

— Бизда ёнғин чиқиш хавфига қарши кураш ишлари ҳеч қачон мавсумий характер касб этмаган, — дейди корхона бошлиғи Эркинжон Турдалиев. — Йилнинг ҳамма фаслида ушбу хавф-хатарнинг олдини олиш масаласига катта аҳамият бериб келамиз. Масалан, ўтган йилнинг охирида эълон қилинган ёнғинга қарши кураш ойларида бу борада корхонамизда қилинаётган ишлар бўйича алоҳида альбом тайёрланди. Туман газетасида, вилоят радиосида чиқишларимиз ташкил этилди. Шу йўналишда амалга оширилаётган ишларда намуна кўрсатган ходимлар рағбатлантирилди. Зеро, ҳар қандай кўринишдаги кўнгилсизликка қарши курашдан кўра унинг олдини олган маъқул.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 январ, сешанба №13 (1027)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси янги иш ўринларини яратиш ҳамда мутахассис кадрлар тайёрлашга доимий эътибор қаратиб келмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида бирлашмада 108 нафар ишчи-хизматчи учун янги иш ўринлари яратилди. 153 нафар талаба эса корхона йўлланмаси билан шартнома асосида турли олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида ўқитилмоқда.

Жорий йилда ҳам ўнлаб ишчиларни янги иш жойлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР

мустақкам ижтимоий ҳимояда

Трестимиз касаба уюшма кўмитаси маъмурият билан тузилган кенг қамровли жамоа шартномаси асосида иш олиб бормоқда. Ҳўш, ўтган йили биз нималарга эришдик? Трест бўйича ойлик маошнинг энг кам миқдори республика ҳукумати қабул қилган ағона тарифидагидан 1,72 марта ортик бўлди. Бу кўрсаткич «Деновурилиш» ҳиссадорлик жамиятида 2, «Термизсанотфўқароқурилиш» масъулияти чекланган жамиятда 2,2 мартадан кўпрокини ташкил этди.

Иккинчи бир ютуғимиз тармоқда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми камайганлиги билан иш ўринларининг қисқариши, ходимларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетиши каби салбий ҳолатларни тўхтатишга муваффақ бўлдик. Бунга эса қўшимча иш жойларини излаб топиш ҳисобига эришилди. Айниқса, «Термизсанотфўқароқурилиш», «Ишонч» масъулияти чекланган жамиятлар, «Термизқурилишматериаллари» корхонасида бу борада яхши натижаларга эришилди. Кейинги пайтда тармоқда 200 дан ортик янги иш ўринлари ташкил қилингани фикримизга далил бўла олади.

Ишловчилар иш шaroитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, нафақа ва моддий ёрдамлар, соғломлаштириш, спорт ишларини ташкил қилишга сарфланадиган маблағлар миқдори сезиларли ортди. Хусусан, ўтган йилнинг уч чорагида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига 16311,2 минг, нафақанинг ҳамма турларига 2191,2 минг, маданият ва спорт ишларига 719,0 минг, соғломлаштиришга 941,0 минг сўм маблағ сарфланди, кам таъминланган oilаларга 2809,6 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Меҳнатчиларнинг тушиликлари учун 27 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилди.

Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийларига йилда бир марта энг кам ойлик маош миқдоридан моддий ёрдам берилиши одат тусига кирган.

«Оналар ва болалар йили»да юқоридаги сингари хайрли ишларни изчил давом эттириш билан бирга, тармоқдаги аёллар ва улар фарзандлари ижтимоий ҳимоясига эътиборни янада кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик. Уларни жамоа шартномасига алоҳида бандлар сифатида киритиб, бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилган.

Кўйли ТУЛАЕВ, «Сурхондарёқурилиш» трести касаба уюшма кўмитаси раиси.

«КЕНАФ»НИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

Пскент туманидаги «Кенаф» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси жорий йилдан пахтачилик sanoатида кенг ишлатиладиган брезент ёпқичлар ишлаб чиқаришни икки бараварга кўпайтирди. Ҳозир бу ерда кунига уч минг погон метр юқори сифатли ана шундай маҳсулот тайёрланмоқда. Маҳсулот пахта тозалаш заводлари ва уларнинг тайёрлов пунктларига, шунингдек, хусусий тадбиркорларга пешмапеш етказиб берилаяпти.

Пахтачилик sanoатини каноп толасидан тайёрланган брезентлар, қоплар, арқон ва тизимчаларсиз тасаввур этиш қийин. Хусусан, кейинги вақтда брезент тақчиллиги сабабли пахта бунтлари оқ сурулға полиэтилен плёнкаси қоплаб тайёрланган ёпқичлар билан бекитила бошланган эди. Ачинарлиси шундаки, бундай ёпқичлар ўзидан ҳаво ўтказмайди. Натижада хомашё чириб, сифати бузилади.

Пахтачилик sanoати учун ана шундай муҳим маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида 1995 йил чехиялик ҳамкорлар билан биргаликда собик каноп фабрикаси негизида қўшма корхона ташкил этилди. Олти беш кишилик жамоа истеъмолчиларга дастлабки маҳсулотни етказиб бера бошлади. Бирок, шуни ҳам айтиш керакки, ишлар бир маромда юриши кетавермади. Хом ашё тақчиллиги, айниқса, дастгоҳларнинг эскилиги сўнгги йилларда анча панд бериб қўйди. Шу боисдан «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлимидан кредит олинди ва Чехиядан 400 минг долларлик янги линия олиб келиб ўрнатилди. Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати кескин ўзгарди, ҳажми ҳам икки бараварга ошди. Маҳаллий ёшлар учун қарий олти мишта қўшимча иш ўрни очилди.

(ЎЗА).



Қўшма корхона имконияти

Қувасой шаҳрида кейинги йилларда «Ўтириб» қолган корхона ва ташкилотларни тиклаш учун чет эл сармоядорларини жалб этиш ва улар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо қилиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ТЖМ Ўзбек-Америка «Деларос» қўшма корхонаси шундай корхоналардан биридир.

лион. 392 минг сўм маблағ сарфланди. Ишчиларга эса 4 миллион сўмлик яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи ва хизматчиларнинг ишга келиб-кетишлари учун автоулов ажратилган. 16 на-

Косонсой пойабзал фабрикасида ҳар йили 41 турдаги болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада маҳсулот сифати ва чидамлилигига катта эътибор қаратилмоқда.

Суратда: оператор Назокатхон Ҳотамова.

Б.ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

ПЕНСИОНЕРЛАРГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Қувасойдаги «Кварц»дан ажралиб чиқиб ўз фаолиятини мустақил бошлаган корхона учун дастлабки йиллар қийин кечди. Дастгоҳларнинг эскириб қолганлиги, мутахассис ишчиларнинг етишмаслиги каби кўплаб муаммолар тўпланиб қолганди. Қўшма корхона ташкил қилинган, ишлар юришиб кетди. Даромад ҳам ошиб, номинал киймати 2310 сўм бўлган 7003 дона акция чиқарилди. Уларга юз фоиз дивидент тўланмоқда.

Ўтган йилнинг якунига кўра 150 миллион сўм атрофида соф фойда қурилиши кутилмоқда. Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам шунга яраша ортади. Янги цех қурилиб, ишга туширилгандан кейин турли хилдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди ва энг муҳими 120 нафардан ортик ишчи ўринлари яратилди. Кейинчалик бу ерда шифер таёрлаш, мрамар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиб берилгани боис белгиланган маррага эришилмоқда. Маъмурият билан касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан, ишчиларга бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Фақат шу мақсад учун 16 мил-

фар ишчи санаторийларда, 8 нафар ходим дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб қайтишди.

Яна бир ибратли жиҳатни таъкидлаш жоиз. У ҳам бўлса маъмурият билан касабақўшма кўмитаси ҳамкорлиги билан тумандаги 13 нафар ноғирон, 68 нафар нафақахўр ҳамда 11 нафар яққа-ёлғиз аёлларнинг оталиқ олиганидир. Бундай хайрли тадбирлар кўлами бундан кейин янада кенгайтирилиши кўзда тутилган.

Б.ЭРАЛИЕВ, Ўзбек-Америка «Деларос» қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси.

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Олмос қишлоғи Чуст тумани марка-зидан 20-25 чақирим олин-да, тоғлар ёнбағрида жойлашган. Азалдан боғдорчилик ва сабзавотчилик билан шугулланиб келган олмосликлар етиштирган маҳсулотларини туман марказига олиб бориб сотишда кўп қийинчиликларни бошдан кечирिशларига, яна ҳам аниқроғи, ортиқча сарф-харажат қилишларига тўғри келарди. Туман ҳокимлиги ва қишлоқ фуқаролар йи-

ғини аҳолига бу борада қулайлик яратди. Яъни, бир неча йил-

лардан бери бекор ётган «Олмос» пахта тайёрлаш пункти қайта таъмирланиб ва қўшимча бир неча иморатлар қурилиб, деҳқон бозорига айлан-тирилди. Эндilikда олмосликлар ҳамда атроф қишлоқларда маҳсулот етиштирадиган деҳқон ва боғбонлар ўз маҳсулотларини шу ерда сотиш имкониятига эга бўлдилар.

Жалолқудуқ туманидаги «Бунёд» ҳиссадорлик жамияти бosh директори Толибжон Мадаминовнинг кўнглига қил сизгамади. Сабаби корхонага қарашли масъулияти чекланган «Тўқувчи» кичик корхонаси дарвозасига қўлф урилган. Хомашё таъминотидаги узалишлар, омборларда тайёр маҳсулотнинг тахланиб ётиши, ишчиларнинг тез-тез мажбурий таътилга чиқарилиши жамоани танг аҳволга солиб қўйганди.

Муллажон Солиевни жамоага саркорликка тавсия этишдан олдин унинг номзоди ҳақида иккилан-ишлар бўлди. Чунки Муллажон бир сўзи, хамиша ҳақ йўлга қайишадиган ходим сифатида танилганди.

— Лавозими бosh хисобчи бўлса?! Ишхона-сидан нарини билмайдиган «қоғоз бандаси»дан бошлиқ чиқармиди? — Оғзига кучи етмаганлар унга шундай таъна тошини ҳам отиб қўришди.

... Муллажоннинг янги ишга ўтиши, Юртбошимизнинг ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган фармони қабул қилинган кунларга тўғри келди. Бу унинг учун айни мундоқ эди. Турли идораларнинг эшикларидан олдида саргайишдан чарчамади. «Хамкорбанк»нинг Қўргонтепа туман бўлимидан 10 миллион сўмлик кредит олди. Асосий эътиборини ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш, эскирган дастгоҳларни юқори унумли, камчиқим янги

сус камераларга қуйил-ди ва хомашёга пуркалади. Шундай қилиб қўл меҳнатига ҳожат қолмади.

Маҳсулотни рақобат-бардош, дўкон пештахталарида кўз-кўз қилишининг шартини янги технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишди. Жамоа-да ана шу омилга зўр бе-

лаштириш, ҳуқуқий ҳимоя-лашни кўзда тутувчи тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Рўза ҳайити кунлари жамоага корхона маблағи ҳисобидан гўшт маҳсулоти тарқатил-ди, 70 уринли ошхона қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Меҳнатчилар кунига бир маҳал бепул

лаштириш, ҳуқуқий ҳимоя-лашни кўзда тутувчи тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Рўза ҳайити кунлари жамоага корхона маблағи ҳисобидан гўшт маҳсулоти тарқатил-ди, 70 уринли ошхона қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Меҳнатчилар кунига бир маҳал бепул

лаштириш, ҳуқуқий ҳимоя-лашни кўзда тутувчи тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Рўза ҳайити кунлари жамоага корхона маблағи ҳисобидан гўшт маҳсулоти тарқатил-ди, 70 уринли ошхона қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Меҳнатчилар кунига бир маҳал бепул

Ишчиларга кўрсатила-ётган ғамхўрликлар ўз са-марасини бермоқда. Маҳ-сулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, унинг сифа-ти яхшиланиб бормоқда. Мухими, янги маҳсулот турлари кўпаймоқда. Ил-гарилари корхонада кала-ва иппардан болалар со-чиги ишлаб чиқариляпти. Ҳозирда катталар сочиги ҳам тайёрланмоқда. Яқиндан бошлал рузгор чойшаблари ишлаб чиқа-риш йўлга қўйилди. Кор-хона молларига талаб йил сайин ошмоқда. 2000 йилда 72 миллион сўмдан зиёдроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил-

Истиқлол берган имкон

дан-йилга даромаднинг ортиши ишчиларни ижти-моий ҳимоялаш имкони-ни бермоқда.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, Россия, қўшни Қирғизистон ва Қо-зогистондан жорий йил-

таъминотсотиш» вилоят бошқармаси мутасадди-лари муаммонинг ечимини топишга киришмаёт-ганлиги эса таажжубла-нарли ҳол.

Яна бир муаммо — белгиланган кредит маб-лағини олиш масаласи корхона олдида кўндаланг турибди. Ўтган йили ви-лоят «Анджонбанк» акци-онерлик тижорат банки кредит қўмитаси қарор қабул қилди. Унда «Тўқув-чи»га 2 йил муддатга йил-лик 14,4 устама фоиз биз-нан 30 миллион сўмлик кредит ажратиш кўрса-тилган. Унинг матнини ви-лоят «Анджонбанк» акци-онерлик тижорат банки бошқаруви раиси тасдиқ-лаган. Бу қарорнинг қабул қилинганига ҳам кўп вақт бўлди, ammo кредитдан ҳамон дарак йўқ. «Андж-онбанк»нинг ана шу хай-рли ёрдами амалга оша-диган бўлса, ойим-қишлоқлик тўқувчилар корхонада уч сменада иш ташкил қилган бўлар, қўшимча 70 ишчи ўрни яратиларди.

Лекин халқимизда ҳеч-дан кўра кеч яхши, деган гап бор. Шу боис, корхо-на меҳнат ахли «Анджон-банк» акционерлик тижо-рат банки берадиган кре-дитни орзиқиб кутмоқда.

Собиர்жон РЎЗИМАТОВ.

РОССИЯДАН БУЮРТМА ОЛИНДИ

машина-ускуналар билан алмаштиришга қаратди. Шу тариха ҳашар йўли билан чиқиндилар уюлиб ётган ташландиқ майдон-да 258 квадрат метрли замонавий янги тўқув цехи ишга тушди. Илгарилари хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш жараёни кўпинча қўлда бажариларди. Айтилик, ип қатимларини ювиш ва қуритишда ишлатиладиган иссиқ ва совуқ сув таъминоти анча мушкул-лотларни келтириб чиқар-ди. Меҳнат шароити ноқулайлигидан касб ка-салликлари келиб чиқар-ди. Қисқа муддатда исси-қ ва совуқ сув сақлана-диган, сизими 5 тонна-лик 2 та сувхона қурилиб ишга туширилди. Энди-ликда жўмрак буралса бас, санаётчи сув ўза-ўзидан оқиб келиб мах-

рилли. Шу мақсадда цех-ларга кам шовқинли, юқори унум билан ишлай-диган хорижий «Жакер» тўқув ва ипни мокига ўрайдиган дастгоҳлар ўрнатилди. Бўяш цехига 2 та қуришти камераси қўйилгач, бу иш бутунлай техника зиммасига юк-ланди. Ана шундай замон талабига мос технология туфайли корхона 2 сме-наги иш маромига ўтди ва қўшимча 30 ишчи ўрни яратилди. Қисқа вақт мо-байнида 10 минг метр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Маъмурият билан каса-ба уюшма кўмитаси ўрта-сидан тузилган шартнома-га биноан эҳтиёжманд oilаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрса-тиш, ишчиларнинг меҳ-нат, турмуш шароитини яхшилаш, уларни соғлом-

лаштириш, ҳуқуқий ҳимоя-лашни кўзда тутувчи тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Рўза ҳайити кунлари жамоага корхона маблағи ҳисобидан гўшт маҳсулоти тарқатил-ди, 70 уринли ошхона қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Меҳнатчилар кунига бир маҳал бепул

лаштириш, ҳуқуқий ҳимоя-лашни кўзда тутувчи тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Рўза ҳайити кунлари жамоага корхона маблағи ҳисобидан гўшт маҳсулоти тарқатил-ди, 70 уринли ошхона қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Меҳнатчилар кунига бир маҳал бепул

Таълим тизимида ходимларнинг ва талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномалари асосий восита бўлмоқда. Шунинг учун касба уюшмалари жамоа шартномаларига киритилган мажбуриятларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигига, уларнинг тўлиқ бажарилишига жиддий эътибор беришмоқда. Чунки амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонунларда жуда кўп масалалар жамоа шартномаларида кўзда тутилганидек ҳал этилиши лозимлиги аниқ белгилаб берилган.

Шунга кўра, 2000 йилда — Соғлом авлод йилда тармоқ Битими, жамоа келишувлари ва шартномаларида меҳнаткашларни ва уларнинг оила аъзоларини, талабаларни соғломлаштириш бош вазифа сифатида ўрин олди. Натижада Самарқанд давлат дорилфунуни ҳамда Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтининг санаторий-профилакторийларида минг нафарга яқин талаба, 558 нафар мактаб ўқувчиси ва боғча тарбияланувчиларини соғломлаштиришга эришилди. 370 нафар таълим ходими ва талабаларга республикамиздаги санаторий-дам олиш уйларида йўланмалар берилди. Дорилфунун ва меъморчилик-қурилиш институтининг шаҳардан ташқари оромгоҳларида 600 нафарга яқин талаба ҳордиқ чиқарди.

Соғломлаштиришнинг бошқа воситаларидан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Самарқанд дорилфунуни, 1-педагогика билим юрти, саноат-иқтисод коллежи, Каттақўрғон тижорат техникумларида спорт мажмуалари, клублари ва тўғрақлари ибратли фаолият кўрсатмоқда. Уларга юзлаб талабалар жалб этилган. Соғломлаштириш тадбирларининг самарадорлигини оширишда ом-

мавий спортнинг аҳамияти катта бўлмоқда. «Соғлом авлод» дастури доирасида ёшларнинг турмуш тарзини яхшилаш, маънавий камолотига кўмаклашиш масалалари ҳам касба уюшмаларининг диққат марказида бўлди. Шу мақсадда йил давомида мавжуд жами талабалар уйларидаги шароит назорат қилиб борилди. Улар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда эса Каттақўрғон педагогика билим юрти (касабақўм раиси Н.Ҳақимов)нинг талабалар уйи юқори баҳо олди. Афсуски, Самарқанддаги озиқ-овқат ва Каттақўрғон тижорат техникумлари ётоқхоналари хусусида бундай деб бўлмади. Мазкур билим юртларининг раҳбарлари ва касба уюшма кўмиталари бу борада жиддий ўзгариш қилишолмаяпти.

Яна бир гапни айтиш жоиз. Бу ижтимоий ҳимояга, ҳам соғломлаштиришга дахлдор. Каттақўрғон педа-

Жамоа шартномаларининг афзаллиги нимада?

гогика билим юрти, Самарқанд саноат-иқтисод коллежи, меъморчилик қурилиш институтида оқват нархлари арзонлаштирилди. Самарқанд озиқ-овқат техникуми, 1- ва 2-педагогика билим юртларининг талабалар уйида яшовчилар бепул оқватлиши имкониятига эга бўлишди. Бу имтиёзлар жамоа шартномаларида белгиланган бўлиб, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Ана шундай ғамхўрликка жавобан талабалар чуқур билим олиб, ўз иқтидорларини на-

ошларига бюджетдан ташқари 50 фоиздан 100 фоизгача кўшимча тўловлар жорий этилган. Саноат-иқтисод коллежида талабаларга ўқув либослари бепул берилди. Ҳуқуқчиларга эса моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоят касба уюшма кўмитаси ва жойлардаги касбақўмлар аниқ мақсад билан режали иш юритаётгани ўз самарасини бермоқда. Жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши йилда икки марта кенгайтирилган мажлисларда муҳокама қилинмоқда. Масалан, вилоят касба уюшма кўмитасида ўтган йил март ойида ўрта махсус билим юртларида ходимлар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялашга, июн ойида олий ўқув юртларида меҳнат муҳофазасига оид масалалар кўрилди. Шу асосда қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ва таъминлаш натижасида иш шароитлари анча яхшиланишига эришилди.

Яқинда жорий йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан фаолларимиз иштирокида йигин ўтказдик. Шу асосда касбақўмлар ўз тадбирларини ишлаб чиқарди. Жамоа шартномаларига киритиш учун янги таклифлар билдирилди. Аммо ҳали муаммолар, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар анчагина. Демак, бошланган ишларни изчил давом эттиравемиз.

Х.НОРМУРОДОВ,
Самарқанд вилоят Таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси.



«Урганггазтранс» бирлашмаси аҳолини газ билан таъминлаш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Бирлашманинг Қорақалпоғистон республикасида олиб бораётган ишлари янада таҳсинга лойиқ. Айтиш пайтда бу ерда 6 та газ тақсимлаш ҳамда республиканинг шимолий ҳудудидagi станцияларда қурилиш-монтаж ишлари нудиясига етди.

Суратда: оператор Бахыт Кайпов. **О.МУРАТОВ** (ЎЗА) олган сурат.

«САМАРҚАНД ЭРТАКЛАРИ» ГЕРМАНИЯДА

Тошкент Давлат Педагогика университети-нинг герман филологияси кафедраси олимлари олиб бораётган ишлари янада таҳсинга лойиқ. Айтиш пайтда бу ерда 6 та газ тақсимлаш ҳамда республиканинг шимолий ҳудудидagi станцияларда қурилиш-монтаж ишлари нудиясига етди.

ШАХСИЙ УЙЛАР

Ишчиларнинг маданий дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун завод қошида «Кристалл» ансамбли фаолият кўрсатиб келаяпти. Спорт оммавийлиги йўлида ҳам айтишга арзигулик тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, «Кешкристалл» волейбол командаси Ваҳобжон Музаффаров етакчилигида бурноғи йил мавсумида республика биринчилигида бронза медалини кўлга қиритган бўлса, ўтган йили қумуш медалга сазовор бўлди. Команданинг амалдаги йил мусобақаларида янада муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун 3 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Имтиёз

«Кристалл» номи билан юритилаётган жамоанинг 100 нафардан ортиқ аъзоларини бирлаштирган касба уюшма кўмитаси маъмурият билан тузган жамоа шартномалари асосида иш олиб бормоқда. Унинг шартларига кўра ўтган йили ишчиларга 1,5 миллион сўмлик оқват пули, кам таъминланган хотин-қизларга 50 минг сўм, ишловчилар соғлигини тиклаш, дори-дармон сотиб олиш учун 120 минг сўм, тўй ва маъракалар учун 100 минг сўм ажратилди. «Соғлом авлод» дастури асосида ишлаб чиқилган тадбирлар учун 163 минг сўм сарфланган. Жамоа шартномасидаги яна бир жиҳат алоҳида кўзга ташланади. У ҳам бўлса, касба уюшмаси ходимларнинг уй-жой шариоитини яхшилаб олишга кўмаклашиш масаласидир. Хусусан, 17 нафар ходим уй қуришлари учун 20 фоиз арзонлаштирилган нархда қурилиш материаллари билан таъминланди.

УНИВЕРСИТЕТГА АЖРАТИЛГАН ГРАНТЛАР

Тошкент Давлат иқтисодий университети халқроқ ўқув дастурлари ва жамғармалар доирасида йирик тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бундай фаолият учун олий ўқув юрти кўпгина чет эл грантларини кўлга киритмоқда. АҚШ ахборот агентлиги томонидан ажратилган грант университети профессор ўқитувчилари малакасини оширишга қаратилди. Мазкур агентлик Нью-Йорк университети билан биргаликда шу мақсад учун 300 минг доллар миқдоридagi ёрдам маблағини тақдим этди. Шунингдек, Британия кенгаши ҳам ўз грантларини беришга қарор қилди. Бу хайрли иш тўғрисида олий ўқув юртида «Экология менежменти» деб номланган янги ўқув курси йўлга қўйилди. Ажратилган 55 минг долларга тенг бўлган грантнинг деярли ярми Англиядаги Ноттингем Трент университети томонидан берилди. Университет яна бир йирик грантни кўлга киритди. АҚШ ахборот агентлиги Мериленд университети билан бамааслаҳат иш тутиб, шу қарорга келди. **А.АЛИЕВ.**



БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Андижон шаҳридаги 2-туғруқ мажмуи ходимлари оналарнинг соғлом фарзанд кўришларини таъминлаш борасида вилоятда энг яхши натижаларга эришган тиббиёт масканларидан бири ҳисобланади. Ўз ҳудудидаги 120 минг аҳолига хизмат кўрсатишни зиммага олган бу аҳил жамоа ногирон фарзанд туғилишининг олдини олиш юзасидан қатор тадбирлар белгилаб олган. — Тадбирларимиз икки жараёни ўз ичига олади, — дейди туғруқхона касба уюшма кўмитаси раиси Дурдонахон Тўрақулова. — Улар «Она-йўлдош-ҳомила», яъни туғишгача бўлган давр ва «Она-қўчрак-сутти-бола», яъни фарзанд дунёга келгандан кейинги давлардир. Жамоа ютуғининг сири шундаки, шифокорлар аҳоли ўртасида воғга етган қизларни турмушга тайёрлаш, оилада соғлом мухитни вужудга келтириш, қариндошлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш, чақалоқни она сuti билан боқиш хусусида тушунтириш ишларини олиб боришдан ташқари, бу мавзуларда бир-биридан қизиқарли кўрик-танловлар, кечалар ташкил этаётирлар. Мақсадга эришишда бу оммавий тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. **М.АБДУКАРИМОВ,** «Ишонч» мухбири.

Усмон Юсупов туманидаги Жейнов пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам ўтган йилни қувончли натижалар билан якунлади. Туман бўйича етиштирилган 25,144 тонна хом ашёдан сифатли тола таёрланмоқда. Корхона маҳсулотлари нафақат маҳаллий саноат эҳтиёжлари учун, балки АҚШ, Англия, Франция, Швейцария каби кўплаб мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

Жамиятда айтиш кунларда иш ўз сменаларда ташкил этилган бўлиб, жамоа аъзоларининг яхши ишлаб, кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароит муҳайё қилинган. Тиббий шохобча, ошхона, сартарошхона мунтазам ишлаб турибди. Янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш пайтда 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, яқинда ишга туширилган гилам тўқиш ҳеҳида яна 15 киши иш билан таъминланди.

— Келгусида цех фаолиятини янада кенгайтириш ниятимиз бор, — дейди корхона раҳбари Дониёр Ҳамидов. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам бериш масаласи ҳам алоҳида эътиборда. Айниқса, бу борада корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик улуши жуда қўл келаяпти, яъни чорвачилик маҳсулотлари хўжаликнинг ўзиде етиштирилаяпти. Кечки сменада ишловчилар учун бир маҳал иссиқ оқват бепул ташкил этилган. Ҳиссадорлик жамияти аъзоларига рағбатлантириш тарикасида бошқа маҳсулотлар ҳам бериб борилаяпти. Байрамларда совға-саломлар тарқатилаяпти. Булар ҳам ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигининг охишида омил бўлиб хизмат қилмоқда. **Акмал АЛЛАМУРОДОВ,** «Ишонч» мухбири.

Касба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

лантирилмаган. Қолаверса, улардан аризалар ҳам олинмаган. Шунга таъкидлаш лозимки, бригада бошлиқларининг режа кўрсаткичларини бажармаганликда айбланиши шунчаки баҳона холос. Биринчидан, сув тан-

дий манфаатдорлик бўлмагач, ишлар орқага кетган. Қисқаси, уларни ўз иш жойларига тиклаб, мажбурий қолдирилган кунларига тоvon тўламини 10 кун муддат ичида ҳал қилишини сўрайман». Хуррам Ҳамдамов бу хатга ҳолисанилло ёндошиш ўрнига, уни тўғри туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Рустам Алимовага йўллаб, туман агросаноат ходимлари касба уюшма кўмитаси ра-

БЕШ МЕҲНАТЧИ ИШГА ТИКЛАНДИ


сининг 99-моддасига асосан ноқонуний ишдан бўшатирилган. Улар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар тайёрланмаган. Бригада бошлиқлари икки ҳафта бурун ёзма ёки оғзаки тарзда оғоҳ-

қислиги рўй берган бўлса, иккинчидан хўжалик раҳбари бригадаларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан таъминламаган. Ишчилар оила маошларини ололмайдисарсон бўлишган. Мод-

иси Парда Юлдошевнинг танобини тортиб қўйишга чакирради. Лекин раиснинг «Йиғини» ўтмади. Туман ҳокими мазкур хатга жавобан касба уюшма кўмитаси талаби ҳақлиги, энг аввало, ноҳақ бўшатирилган кишиларни ўз иш жойларига тиклаб, тоvon пуллари ва бошқа ишчиларнинг ҳам ҳақларини тўлаш зарурлигини уқтирди. Жабрланганлар ишга тикланди. Худди шундай ҳолат «Ширин» ширкат хўжалигидаги фўқаролар М.Ташмирова, Х.Оқбугаеваларнинг иш фаолиятида ҳам содир бўлди. Касба уюшмалари аралашуви билангина улар ўз иш жойларига тикландилар. **Рустам ДАВЛАТ,** «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишини ўқиб

БИЗНИНГ ТАКЛИФ



Мамлакатимизда ҳуқуқий тизим ва барча қонунлар Ўзбекистон Конституциясига асосланган.

Кўпроқ фойдаланилса айни муддао бўлур эди.

Дарс жадваллари юқори синфларда кўпайтириб борилиб, уларнинг таркиби жумладан, куйидаги мавзуларни ўзида қамраши мумкин, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши;

Қонунларнинг устуворлиги;

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;

Жамият, оила ва шахс;

Маъмурий ҳудудий тизим;

Қонун чиқарувчи ҳокимият;

Ижроия ҳокимияти;

Суд ҳокимияти;

Сайлов тизими.

Ўқув юртлири учун мўлжалланган дастурлар, дарсликлардан ташқари аҳолининг тури қатламлари-га мўлжалланган махсус адабиётлар ҳам бўлишини ҳаёт тақозо этмоқда.

Н.ШОДИЕВ, профессор.

Саволингизга Наманган вилояти давлат стандартлаш маркази директорининг ўринбосари Алижон ВАЛИЕВ жавоб беради

САВОЛ: Метрология ҳақида тушунча берсангиз.

П.АҲМЕДОВ, Поп тумани.

ЖАВОБ: Дейлик, бир неча кундан бери тобингиз қочган. Гоҳ бошингиз оғрийд, гоҳ қон босиминг ошдимикан, деган шубҳада шифокорга учрайсиз.

«МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТ»

ликка эришгач метрология соҳасига эътибор кучайганини таъкидлаб ўтишни истардим. «Метрология», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни бунга мисол тарикасида келтириш мумкин.

манган-Текстиль» акционерлик жамияти қошидаги Наманган йигирув-тўқув фабрикаси каби қатор корхона-лари шулар жумласига кирарди.

Биздан сўрабсиз

чиқилиб «Ўздавстандарт» томонидан тасдиқланди ва у давлат реестрига киритилди.

лоятдаги мавжуд 145 ширкат хўжалигидаги 208 та, пахта заводларидаги 38 та автотарозилар давлат қиёслаш кўригидан ўтказилиб «Этолон» заводи томонидан таъмирланиб қўйилди.

Бундан ташқари, вилоятдаги деҳқон бозорлари ҳудудларида жойлашган ветеринария-санитария лабораторияларидаги мавжуд ўлчов воситалари қиёслаш кўригидан ўтказилиб, меъерий ҳужжатлар билан таъминланди.

ЕТУК ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Алишер Навоий номили Тошкент Нафис санъат лицейини битирувчиларнинг 95 фоизи ҳар йили олий ўқув юртларига кираётдилар.

— Шу нарсдан келиб чиққан ҳолда, - дейди лицей директори С.Султонов, - биз ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ўқувчи ёшларимиз томонидан пухта ўзлаштириб олинишига аввалдан катта аҳамият бериб келамиз.

Шу кунларда лицейда мазкур фан ўқуви самарали бўлишини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётди.

А.САФАРОВ.

ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР



Шўрчи тумани ИИБ ходимлари янги йил арафасида яна бир қулайликка эга бўлдилар. Термиз-Душанбе катта йўли бўйида туман ИИБ ДАН ходимлари учун барча талабларга жавоб бера оладиган янги пост биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Суратда: Туман ИИБ сержанти Акмал Абдуллаев, ДАН катта ноэри лейтенант Нуралли Шаматов ва майор Жўра Умаровлар.

И.Хўжаев (ЎЗА) олган сурат.

Тошкентнинг Қорасув даҳасида эса яна бир ажабланишлик жиноят бўлиб берди. Ички ишлар ходимлари қидирувида бўлган бир тўп босқинчилар ҳарбий хизматчилар кийимини кийиб олганлари ҳолда, ўзига тўқ яшаётган оилалардан бирининг эшигини тақиллатдилар.

Ички ишлар ходимлари, ҳарбийлар ва шу каби хизмат вакилларига ҳурмат

Таажжуб!

Яқинда республикаимиз вилоятларидан бирида шундай ҳодиса рўй берди. Давлат автомобиль назорати ходими формасини кийган бир неча киши енгил машиналарни тўсиб, йўловчиларни шилиб олишди.

ЯКШАНБАГА ЎТАР КЕЧАСИ

катта. Шу боис ҳам бу тобира ажабланишлик жиноят бўлиб берди. Ички ишлар ходимлари қидирувида бўлган бир тўп босқинчилар ҳарбий хизматчилар кийимини кийиб олганлари ҳолда, ўзига тўқ яшаётган оилалардан бирининг эшигини тақиллатдилар.

С.ЭШБОЕВ.

Донолар дейдиларки

МАМЛАКАТ АҚЛИ

Агар эл қилмади химоат санга, Ўзингдан керакдир шикоят санга.

А. НАВОИЙ

Агар қайси ерда гариб хорланур, У хил мамлакат теъда вайрон бўлур.

САЪДИЙ.

Халқ қонунни ўз таянчи, Ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим.

ГЕРАКЛИТ

Қонунлар — мамлакатнинг ақли.

БАЛЬЗАК

Қонунга риоя қилмайдиган одамдан разил жонзот йўқ.

Ж. САВОНАРОЛА

Қонунга хилоф ҳаракат ҳеч кимнинг обрўсини

оширмайди ва ўзига ҳурмат ҳам уйғотолмайди.

А. ҚАЗБЕГИ

Қаерда қонун тугаса, у ерда зўрлик бошланади.

У. ПИТТ

Мен учун қайси томон кучлигининг аҳамияти йўқ: муҳими — қонун ким томонлигида.

В. ГЮГО

ҚАРОВСИЗ ЎСМИР ФОЖЕАСИ

Тарбияга кўп нарса боғлиқ. Хева шахрида содир қилинган қотиллик бунга яна бир бор тасдиқлади.

Мархум Машариф Хўжаев 72 ёшдан ошган чоғида ёлғиз ҳаёт кечирарди. Набираси Александр кўнглига келган ишани қилиб, безорилик йўлига кирди.

Тарбияси издан чиққан ўсмирнинг бобоси ўзига анча тўқ яшарди. Утган йилнинг декабрида набира қабиҳ ниятини амалга оширишга жазм қилди.

Бобосининг ўлганлиги-га ишонч ҳосил қилган Александр хоналарни титкилаб, қимматбаҳо қора туфли, куртка ва 173 минг сўм пулни олади.

Хоразм вилоят судининг судьяси И.Бекжонов раислигидаги судлов ҳайъати А.Хўжаевни 13 йилга озодликдан маҳрум қилди.

И. Тўраев, Хоразм вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи.

Э. ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

А.Чехов ҳикояларидан бирида тасвирланган бир воқеа ёдимда қолган: қандайдир амалдор ўзининг уй хизматкори — оксоч аёл ишдан бўшаётганида унга шундай дейди:

— Мана бу қирқ сўм ҳақ-хуққини яхши биладиган бўлсангиз. Лекин мен ундан бир қисмини чегириб қолам.

Шу ўринда «Хўш, қонун нима ўзи?» деган савол кўндаланг бўлиши турган гап. Бунга бир неча асрлар муқаддам таниқли инглиз файласуфи Самюэль Жонсон куйидагича жавоб берган эди: «Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган

— Ҳуқуқшунос бўлмаса ҳам ҳақ-хуққини яхши биладиган одам бўлса бас, — дейман, — чунки қонунни, ҳақ-хуққини билган одам асло қўқилмайди.

— Қаердан келдиларингиз? — дейишди дағдага билан, — қани, паспортларингизни чикаринглар-чи.

— Энди қонунларни билшнинг қанчалик ҳаётий аҳамияти борлигини ифодаловчи бир воқеа ҳақида айтиб ўтай.

— Нега келибқатган пропискага турмадиларингиз? — сўради ҳалигиларнинг каттароғи. — Сизлар паспорт режими кўпол равишда бузгансизлар...

Ҳақ-хуққимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

қаламқаш акамиз бўларди. Сизларга учрашишдан аввал ўшаниқиди бир кеч тунаб, маслаҳат ололмоқчи бўлдим.

— Ҳар бирингиз икки минг етти юз эллик сўмдан керак, — деди ҳалиги одам, — қани, чикаринг пулни.

Биз қайтиш йўлиқирасига ажратиб қўйган пулларимизни ноилжодан чиқариб бер-

дик. — Капитан катта, — дедим шу пайт, — яна бошқа милиционерларнинг ҳам ушлаб олишга, уларга нима дейимиз? Пулимиз қолмади.

— Ҳалиги йигитлар бизга ўз аризаларини ташладилар-да, Отчопар бозорига шошилиб қолди.

— Ҳар бирингиз икки минг етти юз эллик сўмдан керак, — деди ҳалиги одам, — қани, чикаринг пулни.

— Ҳар бирингиз икки минг етти юз эллик сўмдан керак, — деди ҳалиги одам, — қани, чикаринг пулни.

қилаётган ишлари куппакундузги ўғирлик, товланма-чилик эканлиги, пойтахтга икки-уч кунга келиб-кетishi учун рўйхатга олинамаслиги, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлган тақдирда мустақил республикаимизнинг хоҳлаган жойида эркин юриш ҳуқуқига эга эканлигини билган ва шунга кўра иш тутган бўлар эдилар. Улар прокуратура ёки ички ишлар идораларига бориб, воқеани айтиб берганларида эди, ҳалиги иккала «миршабнинг» антика «фаолияти»га чек қўйилган, улар жавобгарликка тортилган бўларди.

Замонимиз шиддат билан олаётган бўлган катта эҳтиёж, чанқоғи, инти-лиқ яққол сезилиб қолди. Яқинда мен узок тоғ қишлоқларидан бирида бўлар эканман, 85 ёшли мактаб ўқитувчиси «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»ни берилиб ўрганаётганига кўзим тушди.

Кодиржон СОБИРОВ.

КЎНГИЛ

Кўнгил - бу ойна, оташдир, Ҳақ нури ғойибдан тугашдир. Кўнгил - жами Жамга ўхшашдир, Мен ундан ишқ майин қуяман, Суяман, суяман, суяман.

Чал, мутриб, «Ушшоқ»-у «Ҳижоз»дан, Гунг гафлат чекинсин миждан. Хофиз руй кўрсатсин Шероздан, Мен ундан ишқ завқин туяман, Суяман, суяман, суяман.

Мен энди бошқача яшайман, Куйшдан нур эмган япроқдай. Бағримни йўлларга тўшайман, Шу танги хокисор тупроқдай.

Мен энди ўзлим - менимдан Қийнала-қийнала тонаман. Мен энди шам эмас, чироқмас, Енсам бир гулхандай ёнаман.

Зора бу вужудим ўт бўлиб, Ховури муз қалбини қовурса.

Назм бўстонида

Айблама афсунгар, мўлтон деб, Кўз ёши фирибдан, ғалтон деб, Билсанг бил кўнгилга султон деб, Мен кўнгил кўйида қуяман, Суяман, суяман, суяман.

Умр бир барҳақ деб топдим мен, Гуноҳим товба-ла ёпдим мен, Кўнгилда ҳаловат топдим мен, Узгасин йўқликка йўяман, Суяман, суяман, суяман.

Сўнг майли дайдиған шамоллар, Кулимини кўкларга совурса.

Айтса фаришталар саловат, Кечса бу кечмишим туш бўлиб. Қанийди руҳим ҳам самога, Йўл олса покиза куш бўлиб.

Мен энди бошқача яшайман...

Дўстмуҳаммад ДўСТ.

Шоҳмат ДАСТАБКИ ОЛТИН МЕДАЛ

Ёш шоҳматчиларимизнинг Ҳиндистоннинг Бено-нини шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида ишти-рок этишганлиги ҳақида илгары хабар қилгандик. Мазкур нуфузли мусобақа-нинг ўғил болалар баҳси-да пойтахтлик Тимур Гареев (14 ёшгача), Андрей Квон (12), чироқчилик Аб-рор Нодиржонов (10)лар, қизлар ўртасида эса чи-роқчилик Сарвиноз Эргашева (14), жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова (12) ҳамда тошкентлик Тахмина Турдалиева (10 ёшгача)лар муносиб дона су-ришди.

Вакилларимиздан иқти-дорли шоҳматчи Тимур Гареев энг юқори натижа кўрсатиб, 9 имкониятдан 6,5 очко жамғарди ва юр-тимизга янги йилдаги би-ринчи олтин медални тақ-дим этди. Қизлар ўртаси-да шунча очко тўллаган Юлдуз Ҳамроқулова эса қитъа биринчилигида учин-чи ўринни эгаллаб, брон-за медали эгаси бўлди.

Эркин ХОЛБОБОВЕВ.

Суратларда: Осиё би-ринчилиги қатнашчилары Андрей Квон, Тимур Гареев (чапдан биринчи ва иккинчи) ҳамда Юлдуз Ҳамроқулова.



«ТОМДАГИ СКРИПКАЧИ» СПЕКТАКЛИ САҲНАДА

Ўзбекистонлик арти-стлар Россия Федера-цияси шаҳарларида ўтган гастрол сафар-ларида ва Халқаро ёш-лар театри фестивали-да муваффақиятли иштирок этган, «Том-даги скрипкачи» спек-такли самарқандлик-лар эътиборига ҳаво-ла қилинди. Болалар ва ўсмирларга бағиш-лаб ўтказилган янги йил томошаларидан сўнг Ўзбекистон ёш-лар театрида адиб Шолом Алейхем қис-саси асосида саҳна-лаштирилган ушбу спектакл бухоролик-ларга ҳам гоят манзур бўлди.

Анъанага кўра, Ўзбекистондаги «Со-хнут» яхудий агентли-ги сафарларни ташкил этиш ҳамда томоша залларини ижарага олишда ҳомийлик қилишни ўз зиммаси-га олди. Санъат шина-вандалари «Томдаги скрипкачи»нинг бундан қарий олти йил му-қаддам бўлиб ўтган премьерасини яхши эслайди. Шундан буён мазкур спектакл театр репертуаридан мус-таҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

МИНИ ФУТБОЛ ТУРНИРИ ЯҚУНЛАНДИ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институ-ти спорт мажмуида беш кун давом этган мини футбол бўйича бешинчи Ўзбекистон чемпионатининг иккин-чи давраси ниҳоясига етди.

Уйинлар якунига кўра, Тошкент шаҳри-нинг «ДЖКА-Юнусо-бод» командаси Хо-разм вилоятидан Р.Ма-даминов жамоаси билан бўлиб ўтган учра-шууда 11:6 ҳисобида ғалабага эришиб, му-собақада ғолибликни кўлга киритди. Унга турнирнинг бош соври-ни - чемпионат кубоги топширилди.

О.НОРБЕКОВ, ЎЗА мухбири

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Педиатрия илмий-тектириш институти ҳаёти-да қувонарли воқеа содир бўлди — Жаҳон Соғ-лиқни сақлаш ташкилоти томонидан клиникага Марказий Осиёда биринчи бўлиб «Она ва бола-га дўстона муносабатда бўлиш шифохонаси» сер-тификати берилди.

—Клиникамизда бун-дан бир неча йил аввал оналар ва болалар бўли-ми иш бошланган эди, - дейди институт директо-рининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Меҳ-мон Аҳмедов. — Бугунги кунда она ва болани биргалликда соғломлаш-тириш фаолиятимиз ме-зонини ташкил этмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки соғлом онагина соғлом авлодни дунёга келтиради, вояга етказа-ди.

2001 йилнинг «Она-лар ва болалар йили» деб эълон қилиниши эзгу ишларни кенг қам-ровда давом эттириш имконини яратди.

Шу ўринда Жаҳон Соғ-лиқни сақлаш Ташкило-тининг болалар касал-ликларининг олдини олиш, ўз вақтида даво-лаш чораларини кўриш-га оид янги дастури — «Болалар касалликларини интеграллашган усул-да олиб бориш» ҳақида тўхталасак. Ушбу масала «Соғлом авлод» Давлат Дастурига ҳам киритил-ган бўлиб, бу борада та-лайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Хусу-сан, республикаимиз ша-роитига мослаштирилган ўқув қўлланмалари яра-тилди. Сирдарё, Фарго-на, Навоий вилоятлари-

боис ўз саломатлиги ҳақида алоҳида қайғури-ши зарурлигини етқа-зишга муваффақ бўлин-ди. Қолаверса, ушбу масъулият оиланинг бо-шқа аъзолари — бола-нинг отаси, қайнона ва қайноталар, маҳалла зиммасида эканлигини тушунтиришга эришдик. — Клиникамиз 275

дек, илмий бўлимлар ҳам мавжуд. Институтда тиббий-ижтимоий ва ташкилий муаммолар лаборатори-яси турли касалликлар-нинг келиб чиқиш сабаб-ларини аниқлайди. Бун-дан ташқари ушбу бўлим республика миқёсида болалар ўртасида касал-ликларнинг келиб чиқиш

йўқлигини аниқлаш мум-кин. Боланинг саломат-лигини она қорнидалиги-даёқ аниқлай олиш но-гирон болалар туғили-шининг қамайишига хиз-мат қилмоқда.

Институтда тез-тез ка-салланувчи болалардаги касалликларни қамайти-риш мақсадида соғлом-лаштириш бўлими ҳам иш олиб бормоқда. Ушбу бўлимда дармондорилар-га бой маҳсулотлар, ярим дармондорилар, физиоте-рапия муолажалари ёрда-мида ҳам болаларнинг са-ломатликлари тикланади. Шунингдек, даволаш гим-настикаси бўлими илоҳи борича дориларсиз со-ғломлаштириш усули орқ-али хизмат кўрсатади. Бу борада Халқаро ташкилот-лар — ЮНИСЕФ (Жаҳон болалар фонди) ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташки-лоти билан яхши алоқалар ўрнатилган бўлиб, ушбу ҳамкорлик натижалари ўлароқ жорий йилда ЮНИ-СЕФ республикаимиз вило-ятларида ўқув жараёнла-рини ўтказиш, зарур ўқув қўлланмалари ҳамда тех-ник жиҳозлар билан таъ-минлашда ёрдам кўрсат-ди. Вилоятларда она ва бола скрининги Марказла-ри очилди. Қорақалпоғис-тон, Жиззах, Фаргона, Ан-диджон ва Наманган вило-ятларида мутахассислар ушбу соҳалар бўйича мах-сус тайёргарликдан ўтди-лар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, журналист.

ФАРЗАНД — ҲАЁТГУЛИ, УМР МЕВАСИ

да тиббий тайёргарлик-дан, касалликнинг олди-ни олишда зарур бири-ни ёрдамдан хабардор этилди. Бу уларга фар-зандларида бўлаётган ўзгаришларни, касаллик-нинг дастлабки белгиларини аниқлай олиш, уй шароитида даволаш, би-ринчи ёрдам кўрсатиш-да кўл келмоқда. Нати-жада касаллик ривож-ланмай туриб шифокор-га мурожаат этиш имко-ни яратилмоқда.

Институтда Болаларни кўкрак сути билан боқиш Республика Маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда чақалоқни 6 ойга-ча фақатгина она сути билан боқишининг барча талаблари тўла бажарил-ди. Саъй-ҳаракатлар на-тижасида аввало она-ларга улар соғлом ав-лодни вояга етказиш учун масъуллиги, шу

ўринга мўлжалланган, - дейди клиника бош ҳақи-ми, олий тоифали шифо-кор Шухрат Турсунов. — Унда туғруқ мажмуи, чала туғилган болалар-ни парварварилаш, ки-чк ёшдаги болаларни даволаш, пульмонология - зотилган касалликлар-ни, ошқозон-ичак, сурун-кали жигар касалликларини даволаш, болалар-ни соғломлаштириш, умумий педиатрия каби бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Туғруқхо-нада чақалоқ туғилган захотиёқ она меҳридан баҳраманд бўлиши учун уни дарҳол она оғизига бериб, ярим соғдан сўнг оғиз сути билан эмизиш йўлга қўйилган.

Замонавий тиббий ас-боб-ускуналар билан жи-ҳозланган биокимё, им-муно-микробиология ла-бораториялари, шунинг-

сабабларини, болалар ўлимига сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш, ка-салланиш ва ўлим кўрсаткичларини қамай-тиришга қаратилган чора-тадбирларни иш-лаб чиқиш, оналар ва болаларга ҳамда бутун оилага тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш ва такомиллаштириш каби кенг қамровли тиббий-ижтимоий ва ташкилий муаммоларнинг ечимини ишлаб чиқиш билан шу-ғулланади.

Бевосита клиника фа-олиятига қайтсак, ҳозир-да бу ердаги биокимё лабораториясида Она ва бола скринингини ўтқа-зиш бўйича махсус тиб-бий асбоб мавжуд бўлиб, унда қон таҳлили орқали ҳомиладорлик-нинг дастлабки ойлари-даёқ ҳомилада маълум бир нуқсоннинг бор ёки

«Авесто»нинг 2700 йиллигига

Христос таълимотидан тўрт аср аввал Юнони-стон бойитди. Асрлар давомида Фарб қадимий Шарқ донишмандлиги билан фақат Зардушт орқали таниш бўлган...

Дарҳақиқат, Зардушт таълимоти азбаройи машхур бўлганидан кўпгина боғлиқ 70 дан ортиқ аф-сона ва ривоятлардан мав-жуд. Бу ривоятлардан би-рида нақл этилишича, фарвардин ойининг хур-дод (олтинчи) кунини ило-хий юлдузлар воситаси билан Фароҳим деган ки-шининг ўчоғига Тангри Фарраси нозил бўлади («Фарра» сўзи саодат, шукх, иқбол маънолари-ни билдиради). Бу Фарра Фароҳимнинг Порушаст исмли йигитга турмушга чиққан қизи Дагдуга на-сиб этади. Ана шу Фарра шарофати билан Сипийт-мон Зардушт дунёга ке-лади...

«Авесто»нинг «Фирфар-дин-яшт» фаслида ёзили-шича, «Зардушт туғилган чоғи очик чеҳра билан кулган, димоғи кўтарил-ганда барча набобат ва сунв (фаришталари) хур-санд ва мағруб бўлишди. Сипанд - Майнйулар (ос-мон эзгулик зотлари) на-жот толганлик хусусида хушхабар тарқатдилар.

«Авесто»нинг «Гоҳлар-и»да нақл этилишича, ўттиз ёшга тўлганда до-нишмандликда камолотга етган Зардушт тонг пай-ти мўъжизавий муқаддас илохий ичимлик «хаума» тайёрлаш ниётида Амуда-рёга бориб, оқим ўртаси-да сув олади. Зардушт шу лаҳзаларда ажиб бир қаддас «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари «Гоҳлар-и»ни ёзган. Табарий маъ-лумотига кўра, Зардушт Азиз деган кишидан тах-сил олиб, улар ўртасида ихтилоф чиққандан кейин, Ҳиндистонда, сўнг Бобил-да ўқийди. Кейинроқ эса Саблон тоғи горига яши-риниб, муқаддас «Авесто» ва «Занд» китобларини ёзади.

Бирок, авестошунох олимларнинг сўнги маъ-лумотларига қараганда, Зардушт асли туркий мил-латга мансуб бўлиб, Хо-размга қарашли Амударё-нинг Даргам ариги соҳи-лида чорвачилик билан шуғулланадиган сипатмон уруғидан Порушаст оила-сида таваллуд толган. «Авесто»да Зардушт-нинг туғилиши ва зардуш-тийлик таълимоти билан


«Авесто»нинг «Фирфар-дин-яшт» фаслида ёзили-шича, «Зардушт туғилган чоғи очик чеҳра билан кулган, димоғи кўтарил-ганда барча набобат ва сунв (фаришталари) хур-санд ва мағруб бўлишди. Сипанд - Майнйулар (ос-мон эзгулик зотлари) на-жот толганлик хусусида хушхабар тарқатдилар.

«Авесто»нинг «Гоҳлар-и»да нақл этилишича, ўттиз ёшга тўлганда до-нишмандликда камолотга етган Зардушт тонг пай-ти мўъжизавий муқаддас илохий ичимлик «хаума» тайёрлаш ниётида Амуда-рёга бориб, оқим ўртаси-да сув олади. Зардушт шу лаҳзаларда ажиб бир қаддас «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари «Гоҳлар-и»ни ёзган. Табарий маъ-лумотига кўра, Зардушт Азиз деган кишидан тах-сил олиб, улар ўртасида ихтилоф чиққандан кейин, Ҳиндистонда, сўнг Бобил-да ўқийди. Кейинроқ эса Саблон тоғи горига яши-риниб, муқаддас «Авесто» ва «Занд» китобларини ёзади.

Бирок, авестошунох олимларнинг сўнги маъ-лумотларига қараганда, Зардушт асли туркий мил-латга мансуб бўлиб, Хо-размга қарашли Амударё-нинг Даргам ариги соҳи-лида чорвачилик билан шуғулланадиган сипатмон уруғидан Порушаст оила-сида таваллуд толган. «Авесто»да Зардушт-нинг туғилиши ва зардуш-тийлик таълимоти билан

Халимбой БОБОВЕВ, юридик фанлари доктори, профессор, Солижон ҲАСАНОВ, педагогика фанлари доктори.

(Давоми бор).



Қиш таровати М. АМИН (Ўза) олган сурат

Тошкент темир йўл тиббиёти билим юрти то-монидан 1999 йил 1 июнда Мильдеева Айна-гуль Канкожаевна номига берилган №305145 ра-қамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Молия ва иқтисодиёт коллежи томо-нидан 1998 йилда Мильдеева Бибигуль Канко-жаевна номига берилган №195312 рақамли дип-лом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар булимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шаҳр нашриёт»-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корпо-ра минияли: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.30.